



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 23 июнь, № 126 (9297)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 июнь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Озарбайжон Республикасининг Фавкулудда ва мухтор элчиси Гусейн Гулиевни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Озарбайжон элчисининг самарали фаолияти ҳамда икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ривожлантириш ҳамда мустақамлашга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Олий ва бошқа даражаларда жадал мулоқотлар йўлга қўйилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда сезиларли натижаларга эришилди: сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми каррасига ошди. Озарбайжон сармояси иштирокида 280 та корхона ташкил этилди, Қўшма инвестиция компанияси таъсис қилинди.

Айни пайтда геология, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, шаҳарсозлик, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги кооперация лойиҳалари фаол паллага кирган.

Маданий-гуманитар алмашинув соҳасида ҳам муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари элчи Гусейн Гулиевга Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни мустақамлашга қўшган катта ҳиссаси учун "Меҳнат шўхрати" орденини топширди.

Элчи, ўз навбатида, унинг дипломатик миссиясига берилган юксак баҳо ҳамда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорлик ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун мамлакатимиз етакчисига чуқур миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ИШТИРОКИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев хусусий касбий таълимни ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари учун замонавий касб ва кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлаш, аҳолини меҳнат бозори талабларига мос касбларга ўқитиш бандлигини таъминлаш ва даромадларни оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шу боис кейинги йилларда касбий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқув дастурларини иш берувчилар эҳтиёжига мослаштириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тақдимотда касбий таълим хизматларини кўрсатишда хусусий секторнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича янги чоралар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, келгуси уч йилда хусусий сектор улушини ошириш орқали халқаро стандартлар асосида очилган ўқув ва баҳолаш марказларининг сонини ҳозирги 50 тадан 200 тага етказиш, хусусий касбий таълим билан ҳар йили 500 минг нафар аҳолини қамраб олиш мақсад қилинган. Айни пайтда бу кўрсаткич 45 минг нафарни ташкил этмоқда.

Бунинг учун 300 дан ортқ ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилиб, халқаро талабларга мослаштирилади. Қамида 1 минг нафар ўқитувчи ва таълим усталарининг малакаси оширилади. Ушбу дастурларни молиялаштириш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Тақдимотда тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувлар давомида билдирилган тақлиф ва муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Мулоқотларда тадбиркорлар томонидан хусусий касбий таълим марказлари учун божхона божи ва ижтимоий солиқ бўйича имтиёзлар, имтиёзли кредитлар, айрим харажатларни компенсация қилиш, янги қурилган бинолар учун ташқи инфратузилмани бюджет ҳисобидан барпо этиш, ер участкалари қийматини фойсиз бўлиб тўлаш, бўш бино ва майдонлардан фойдаланиш имкониятларини яратиш масалалари кўтарилган.

Шу муносабат билан хусусий касбий таълим ташкилотлари учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни божхона божидан озод қилиш, хорижий ўқитувчилар, мутахассис ва усталар учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фойз этиб белгилаш тақлиф қилинди.

Шунингдек, 2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йилгача имтиёзли кредитлар ажратилади. Бино қурилиши ва таъмири, зарур ускуналарни харид қилиш учун олинган кредитлар бўйича фойз харажатларининг 7 фойзи қўллаб берилди.

Хорижий мутахассислар ва малакали ўқитувчиларни жалб қилиш харажатларининг 50 фойзи компенсация қилинади. Касбий малакани баҳолаш ускуналари ва дастурий маҳсулотлар харажатларининг 30 фойзи, хорижда тан олинадиган ва миллий касбий малака сертификатлари харажатларининг 50 фойзи миқдоридан компенсация тўланади.



МАҲАЛЛА ТИЗИМИ РИВОЖИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш ва Маҳаллани ривожлантириш миллий институтини ташкил этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда жорий йил "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилингани муносабати билан аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағаллиқни қисқартириш, маҳаллалар инфратузилмаси ва ижтимоий муҳитини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада йил якунига қадар 1 миллион аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 2,5 баробар ошириб, 3,5 минг тага етказиш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фойзгача тушириш мақсад қилинган.

Йил бошида инфратузилма, аҳоли турмуш даражаси, бизнес фаоллик ва молиявий имкониятларни чекланган 37 та "огир" туман ҳамда 915 та "огир" маҳалла билан ишлаш бўйича янги тизим яратилган эди. Бунинг учун барча зарур маблағлар ажратилди.

Хусусан, республика бюджетидан "огир" туман ва маҳаллаларда

инфратузилмани яхшилаш учун 12 триллион сўм йўналтирилди. Бунга қўшимча равишда ҳар бир шундай туманга 50 миллиард сўмдан, ҳар бир маҳаллага 2 миллиард сўмдан маблағ берилди. Вилоят ҳокимликлари томонидан ҳам мазкур 37 та туманнинг ҳар бирига 10 миллиард сўмдан, 915 та маҳалланинг ҳар бирига эса 1 миллиард сўмдан маблағ ажратилди.

Натижада туман ҳокимликлари ва маҳаллий Кенгашлар "огир" туман ва маҳаллалар учун қўшимча яна 4 триллион сўм маблаққа эга бўлди.

Тақдимотда маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш учун Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига яна 200 миллиард сўм ажратилгани маълум қилинди. Шунингдек, маҳаллалар учун 300 миллиард сўмдан зиёд қўшимча доимий даромад манбалари яратилмоқда.

Жумладан, маҳалла ҳудудида сани тарбия ва ноконуний қурилиш бўйича жарималарнинг бир қисми маҳалла бюджетларига йўналтирилади. Ер ва мол-мулк солиғидан тушадиган тушумларнинг улуши

10 фойздан 15 фойзга оширилади. Бўш майдонларни ижарага бериш ва айрим биноларни сотишдан тушадиган маблағлар ҳам маҳаллаларнинг ўзига қўлдирилади.

Ушбу маблағлар биринчи навбатда ички йўлларни таъмирлаш, пйедалар йўлакчаларини ташкил қилиш, болалар ва спорт майдончаларини қуриш, маҳалла боғларини барпо этиш, эҳтиёжманд оилалар бандлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга оширишга йўналтирилади.

Шу билан бирга, жиноят йўлига адашиб кириб қолган 245 минг фуқарони касб ва ҳунарга ўқитиш, уларни ижтимоий ҳаётга қайтариш бўйича алоҳида ишлар ташкил қилинади.

Тақдимотда маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. "Маҳалла еттилиги" томонидан уйма-уй ўрганишлар давомида 1 миллион 365 минг нафар аҳолининг муаммолари аниқлангани қайд этилди.



Учрашув

ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАЁТГАН АМАЛИЙ ШЕРИКЛИК

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Корея Республикаси Ички ишлар ва хавфсизлик вазири Юн Хо Чжун бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Рақамли трансформация, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, электрон ҳукумат тизимини тақимлаштириш ва бу соҳада қўнунчилиқни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Иқлим ўзгариши оқибатида юзага келаётган табиий офатлар ва фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларга тезкор жавоб қайтариш борасида икки томонлама ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Жанубий Корея тажрибаси асосида фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш, аҳолини эвакуация қилиш ва хавфсизлиқни таъминлашга қаратилган рақамли технологияларни ҳудудлар ҳамда маҳаллалар даража-

сида жорий этиш имкониятлари ҳақида фикр юритилди. Бунда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг амалий лойиҳаларни жойларда самарали татбиқ қилишдаги аҳамияти таъкидланди.

Мулоқот давомида мамлакатимиздаги корейс диаспорасининг икки халқ ўртасида дўстлик ва маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлашдаги ўрни алоҳида эътироф этилди. Ўз навбатида, 2027 йилда корейс диаспораси Ўзбекистонда яшаётганининг 90 йиллиги кенг нишонлангани айтилди.

Учрашув якунида томонлар парламентларо ва ҳудудларо ҳамкорликни янада кенгайтириш орқали ўзаро манфаатли ташаббус ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амалий шериклиқни изчил давом эттиришга тайёр эканлигини билдирди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Муносабат

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бугунги кунда жаҳонда кечаётган мураккаб сиёсий жараёнлар, геосиёсий зиддиятлар ва глобал иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар халқаро ҳамкорлиқнинг янги шакл ҳамда механизмларини тақозо этмоқда.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон — Германия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни миллий манфаатларимизга мос равишда янада ривожлантириш масалалари нафақат икки мамлакат сиёсий ва жамоатчилик доираларида, балки яқин ҳамда узоқ хориж экспертлари, халқаро ҳамжамият томонидан ҳам катта қизиқиш билан кузатишмоқда.

Шу нуктага назардан, Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий ташрифи ва икки давлат раҳбарларининг ўзаро музокаралари алоҳида аҳамият касб этди.

Учрашувлар давомида сиёсий мулоқотни янада фаол-

лаштириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, саноат, таълим, инновация ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди. Энг муҳими, мазкур ташриф Ўзбекистон — Германия ўртасидаги ўзаро ишонч ҳамда стратегик шериклик муносабатлари изчил мустақамлабни бораётганининг амалий ифодаси бўлди. Музокаралар натижалари икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтариш, замонавий технологиялар, инвестициялар ва илгор тажрибаларни жалб этиш орқали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш учун мустақам замин яратиши билан аҳамиятлидир.

Германия — Ўзбекистоннинг ўттиз йилдан ортққ таъриқ тараққиёт давридаги ишончли ҳамкорларидан бири. Сўнгги йилларда кузатилган икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-технологик, маданий-гуманитар йўналишлардаги муносабатлар суръатининг жадаллашувини Берлин, Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтган қатор олий даражадаги учрашувлар давомида эришилган келишувлардан ҳам кўриш мумкин. Икки давлат вакилларининг мунтазам учрашувлари ва биргаликда олиб бораётган амалий ишлари — энергетика, унинг қайта тикланадиган манбаларидан самарали фойдаланишга қаратилган лойиҳалар, саноат кластерларини ривожлантириш, рақамлаштириш ва "яшил иқтисодиёт" тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилаётди.



ЎзА.

КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ИШТИРОКИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Шу билан бирга, бундай имтиёз ва кўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланган тадбиркорлар қурилган ёки ижарага олинган биноларнинг камида 60 фоизда касбий тайёргарликни ташкил этиши ва амалий машғулотлар ўтказиши шарт бўлади.

Тадбиркорларга сотилган ер учун тўловни 5 йилгача фоизсиз бўлиб тўлаш, бўш турган давлат объектларини камида 5 йилга ижарага олиш, техникумлардаги бўш бинолардан бепул фойдаланиш имконияти берилади.

Хусусий касбий таълим ташкилотларини ривожлантириш учун йил якунигача уларни жиҳозлаш дастурига 100 миллион доллар жалб қилинади. Битирувчилар лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш мақсадида 5 миллион долларлик “Венчур жамғармаси” ташкил этилади. Шу йилдан бошлаб ҳар йили “касб ваучери” дастури

учун 20 миллиард сўм ажратиб борилади. Такдимотда хусусий касбий таълим ташкилотлари уюшмасини ташкил этиш, унинг фаолиятини молиялаштириш ҳамда “Кўникмалар парки” экотизимини яратиш режалари ҳам кўриб чиқилди. Соҳа муаммоларини давлат идоралари билан биргаликда тезкор ҳал қилиш учун доимий ишлайдиган рақамли мулоқот платформасини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз такдим этилган чораларни маъқуллаб, хусусий касбий таълимни ривожлантириш, ўқув дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш, аҳолини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ва тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Сенаторлар — ҳудудларда

ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА — ИЖТИМОИЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилхон Маматкаримов Наманган вилоятида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари фаолиятини ўрганиш ва ижтимоий соҳа объектлари билан танишди.

Хусусан, халқ депутатлари Чортоқ тумани Кенгаши қотиб-яти фаолиятини ўрганиш жараёнида депутатларни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, аҳоли муносабатлари билан ишлаш, ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасидаги ишлар таҳлил қилинди.

Шундан сўнг Жаҳон банки лойиҳаси доирасида мукаммал таъмирланаётган ва 550 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган Чортоқ тумани марказий поликлиникасида олиб борилаётган қури-

лиш ишлари кўздан кечирилди. Бундан ташқари, сенатор Наманган маҳалласи ҳудудида жойлашган 900 ўринли 8-умумтаълим мактаби ҳамда Дилдош маҳалласидаги 23-мактабгача таълим ташкилотида олиб борилаётган таъмирлаш жараёнлари билан ҳам танишди.

Уйчи туманида эса маҳалла тизими фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини такомиллаштириш масалалари эътибор марказида бўлди.

Файрат маҳалласи ҳудудида

жойлашган 27-мактабгача таълим ташкилотида яратилган шарт-шароитлар, таълим-тарбия жараёни, моддий-техник базаси ҳамда мавжуд имкониятлар кўздан кечирилди. Ўрганиш якунлари бўйича муассаса фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Ушбу маҳалладаги 33-оилавий поликлиникада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, тиббий жиҳозлар билан таъминланганлик, рақамлаштириш жараёнлари, электрон рецепт тизимининг қўлланилиши таҳлил қилиниб, аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва хизматлар сифатини янада ошириш бўйича тегишли чоралар белгилаб олинди.

Сенатор халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг марказий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича вазифалар устидан депутатлик назоратини кучайтириш масалалари муҳокама қилинган йиғилишда ҳам иштирок этди.

Тадбир давомида маҳаллий Кенгашларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ва масъулияти, аҳолини қийнаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш бўйича таъсирчан депутатлик назоратини йўлга қўйиш, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш ва жамоатчилик билан мулоқот самарадорлигини оши-

риш масалалари таҳлилга тортилди.

Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этиш, доимий комиссиялар ишини фаоллаштириш, депутатларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини янада ошириш ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланиши таъкидланди.

Йиғилиш якунида ҳудудларда депутатлик назорати механизмларини такомиллаштириш, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назоратни кучайтириш ҳамда фуқаролар муносабатларида кўтарилаётган долзарб масалаларни кўриб чиқиш вазифалари белгилаб олинди.

ри ва хотин-қизлар фаоллари билан мулоқотларда тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Тегишли давлат органлари ва ташкилотлар олдида аҳоли томонидан кўтарилаётган муаммоларни ўз вақтида тезкор ва тизимли бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари қўйилди.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК



Юртимизда Германиянинг етакчи компаниялари ҳамда молия институтлари фаолиятининг янада кенгайтирилиши қутилаётгани эса икки давлат раҳбарлари музокараларида ўз аксини топди. Бу, ўз навбатида, сармоявий мухитни мустаҳкамлаш, мамлакатимиздаги технологик янгиланиш, давлатимиз ва жамоатчилигимизнинг имзоланиши шундан далолат беради.

Шу билан бирга, ўзаро ҳамкорликда қатор қўшма инвестиция ва таълим лойиҳаларига шарт берилиши, ўз навбатида, саноат кооперациясини кенгайтириш, инфра-тузилмани ривожлантириш ҳамда иш ўринларини яратиш орқали икки давлат ўртасидаги шериклигининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётгани биз учун қувонарли, албатта.

Ўзбекистон ва Германиянинг сиёсий ҳамда жамоатчилик доиралари ўртасида барқарор ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, коррупцияга қарши курашиш каби устувор йўналишларда тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада қучуллаштиришда парламентлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Германия Бундестаги ўртасида кўп йиллар давомида шаклланган мустаҳкам ҳамкорлик аънаналари, тўпланган бой тажриба ҳамда ўзаро ишонч руҳидаги муносабатлар янги ташаббусларни илгари суриш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётди. Бугунги кунда ушбу тажрибага таянган ҳолда икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш, парламент дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, икки ва кўп томонлама парламентлараро майдонларда амалий ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган истиқболли режалар илгари амалга оширилмоқда.

Бу эса Ўзбекистон — Германия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, демократик ислохотлар ҳамда барқарор тараққиёт соҳасида ўзаро тажриба алмашиш ва умумий мақсадларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дилором ФАЙЗИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Депутат назорати

ТАҲЛИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН ТАКЛИФЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзолари Хоразм вилоятидаги қатор мактабгача ва мактаб таълими, хусусан, хусусий таълим ташкилотларининг фаолияти билан яқиндан танишди.

Депутатлар Урганч шаҳридаги “Нурасон Кидс” мактабгача таълим муассасасида бўлди. Маълум қилингандек, тарбияланувчиларга она тили билан бирга инглиз, рус ва хитой тиллари замонвий педагогик ёндашувлар асосида ўргатилмоқда. Шунингдек, муассасада гимнастика ва хореография тўғрисида ташкил этилган. Психолог ва логопед мутахассислари тарбияланувчилар билан мунтазам иш олиб бормоқда.

“Феруз — Хоразм” МЧЖ томонидан яна бир муҳим таълим лойиҳаси — 300 ўринга мўлжалланган замонавий бошланғич мактаб қурилишига ҳам шарт беришган. Айтиш пайтда қурилиш ишлари якунланиш

арафасида бўлиб, режага мувофиқ янги ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаси ўз фаолиятини йўлга қўйиши қутилмоқда.

Ушбу мактаб фойдаланишга топширилиши натижасида қўшимча 30 нафар ёш мутахассиси иш билан таъминланади. Ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёни эса малакали педагоглар, психологлар ва тиббиёт ходимлари назоратида олиб борилади.

Ўрганишлар давомида таълим-тарбия жараёнини янада сифати ташкил этиш, моддий-техник база, педагог кадрлар салоҳияти ҳамда яратилган шарт-шароитлар юзасидан таҳлиллар ўтказилди.

Барно БЕРДИЕВА, қўмита аъзоси:

— Таълим сифатини ошириш учун, аввало, соҳада мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг сабаб ва омилларини аниқлаш лозим. Шу боис ўрганишлар давомида таълим тизимида учраётган айрим муаммоларга самарали ечим топish масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича масъул мутасаддиларга зарур тавсиялар берилди. Бу каби амалий чоралар таълим сифати ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ўрганишлар якуни бўйича таълим муассасалари фаолиятини янада яхшилаш, хусусий таълим секторини кўллаб-қувватлаш ҳамда таълим хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

ТЕХНОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАР ВА ЮКСАЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси аъзолари ҳамда бир гуруҳ депутатлар Олмалик конметаллургия комбинатида бўлишди.

Ўрганишлар давомида халқ вакиллари мамлакатимиз саноати учун стратегик аҳамиятга эга бўлган 3-мис боитиш фабрикаси фаолияти ҳамда тоғ-кон металлургия соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар билан танишди.

Жараёнда депутатларга “Ёшлик-1” қонини ўзлаштириш дастури доирасида амалга оширилган мазкур йirik лойиҳанинг иқтисодий аҳамияти, технологик имкониятлари ва ривожланиш истиқболлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, йилига 60 млн. тонна маъдани қайта ишлаш ва қарийб 900 минг тонна мис концентратини ишлаб чиқариш қувватига эга қорхонада жаҳоннинг етакчи компанияларида тайёрланган замонавий технологиялар ва юқори

самарали ускуналар жорий этилган.

Депутатлар ишлаб чиқариш жараёнида, рақамлаштириш бошқарув тизимлари, энергия тежамкор технологиялар, экологик хавфсизлик чоралари ҳамда инвестиция дастурларининг амалий натижалари билан яқиндан танишди. Шунингдек, лойиҳанинг мамлакат иқтисодиётига диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Қорхона тўлиқ қувват ишлаши натижасида мис концентрати ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ошиши, 6 мингдан ортиқ юқори даромадли иш ўринларининг яратилиши ҳамда саноат кооперациясининг янада ривожланиши қутилмоқда.

Гўзал САМИЕВА, қўмита аъзоси:

— Мулоқотлар давомида инвестиция мухитини янада яхшилаш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашиш. Соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлар амалий натижадорликни таъминлашга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Туркия:
ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ
БИЛАН БОҒЛАНГАН
АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Шу йил 13-14 июнь кунлари Туркия Республикасининг Хатай вилоятида бунёд этилган Ўзбекистон маҳалласидаги қурилиш мажмуаларига ном беришга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, қардошлик алоқалари ҳамда ушбу тадбирнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-муносабатларини билдирди.

Акс садо

Гулчехра ТОЖИБОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Ўзбекистон ва Туркия халқларини муштарак тил, ўзаро уй-ғун анъана ҳамда қадриятлар, азалий дўстлик ҳамда асрлар давомида шаклланиб, мустақамланиб келаётган маданий алоқалар боғлаб туради. Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси тугайли мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва кенг ҳамкорлиқ стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Президентимизнинг жорий йил январь ойида Анқара шаҳрига расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ривожига янги сўрат бағишлаб, ўзаро ишонч, самарали мулоқот ва кенг қамровли ҳамкорлиқни янада мустақамлашга хизмат қилмоқда. Қайд этиш жоизки, 2023 йил февраль ойида Туркияда юз берган қучли зилзила минглаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиб, мамлакатга оғир талафотлар келтирган эди. Ана шундай синовли кунларда Ўзбекистон қардош турк халқининг дардини ўз дардидек қабул қилди. Фожа содир бўлган илк кунлардан бошлаб мамлакатимиз томонидан ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, Хатай вилоятининг Арсуз туманида 306 та хонадондан иборат замонавий тураройлар барпо этилди. Ушбу мажмуа ўзбек ва турк халқларининг муштарак та-

риқи, асрий қадриятлари ҳамда маданий яқинлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Хатайда Ўзбекистон номи билан боғлиқ объектларнинг барпо этилиши ва уларга мамлакатимиз тарихи, маданияти билан боғлиқ номлар берилиши халқларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатларининг яна бир тарихий саҳифаси бўлиб қолади. Бугун Ўзбекистон маҳалласи икки халқ ўртасидаги абадий дўстлик ва ҳамжиҳатлиқнинг ҳақиқий рамзига айланди. Бу ерда бунёд этилган гўзал масканларга “Шавкат Мирзиёев бульвари”, “Ўзбекистон маҳалласи”, “Тошкент” ва “Самарқанд” кўчалари, “Ўзбекистон қардошлик парки” каби номлар берилиши ва “Бухоро” жоме масжидининг фаолият юритиши ўзбек халқига қўрсатилган юксак ҳурмат ифодасидир. Айниқса, “Шавкат Мирзиёев бульвари” номини бериш бўйича ташаббус Ўзбекистонда катта мамнуният билан қабул қилинди. Ушбу инфратузилма объектлари нафақат бугунги юксак муносабатларимиз рамзи, балки келажақ авлодларга ҳам қардошлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат руҳини етказувчи муҳим маънавий мерос сифатида қадрлидир. Хатайда барпо этилган Ўзбекистон маҳалласи тарихда инсонпарварлик, қардошлик ва эзгуликнинг ёрқин намунаси сифатида муҳрланади. Бу маскан нафақат замонавий турарой мажмуаси, балки Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги мустақам дўстлиқнинг, оғир кунларда бир-бирини қўллаб-қувватлай оладиган халқлар ҳамжиҳатлигининг абадий рамзи бўлиб қолади.

Дилдора КАМОЛОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Бугун қардош мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори босқичга кўтарилди. Сиёсий, иқтисодий, савдо, маданий-гуманитар ҳамда парламентлараро ҳамкорлик йўналишларида, умуман, барча соҳада мисли қўрилмаган натижаларга эришилмоқда. Парламентларимиз ўртасидаги яқин мулоқот эса халқларимизнинг азалий қардошлик ришталарини янада мустақамлашга хизмат қилаётир. 2023 йилда юз берган зилзила нафақат Туркия халқининг, балки бутун туркий дунёнинг қалбини огритди. Ўзбекистон халқи ўша оғир кунларда қардош турк улуслари билан елкама-елка туриб Хатайни тиклаш ишларида фаол иштирок этди. Бу икки халқ ўртасидаги руҳий яқинлик ва бирдамликни яна бир бор намоён қилди. Ўзбекистон делегациясининг Хатай вилоятида Ўзбекистон билан боғлиқ географик объектларнинг очилиш маросимларида қатнашгани биз учун ҳам катта шараф

бўлди. Ушбу тадбирлар икки халқ ўртасидаги қардошлик, ўзаро ҳурмат ва самимий ҳамкорликнинг яна бир ёрқин ифодаси сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Гўзал Арсуз туманида тикланган ҳар бир хонадон ва кўча эса халқларимиз ўртасидаги меҳр ҳамда садоқатнинг тимсоли бўлиб хизмат қилади. Хусусан, Тошкент кўчаси Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги юксак даражасини ифода этса, Самарқанд кўчаси қардош мамлакатларимизнинг тарихан мустақам боғлиқлигини ёрқин акс эттиради. “Ўзбекистон қардошлик парки” эса халқларимиз қардошлиги ва самимий дўстлигининг амалий ифодаси сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Тадбир доирасида бўлиб ўтган учрашувлар, ўзбек миллий санъатини намоён қилган концерт дастурлари ҳамда миллий ҳунармандчилик намуналари кўргазмалари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустақамлаш, ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини бойитиш, икки томонлама ҳамкорлик қўламини кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлади.

«Халқ сўзи».

«ТХИФ — 2026»: ИНВЕСТИЦИЯЛАР – ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон мезонлиқ қилган V Тошкент халқаро инвестиция форуми (“ТХИФ — 2026”) Ўзбекистоннинг глобал инвестиция харитасидаги ўрнини янги босқичга олиб чиқди, десак, айни ҳақиқат. Форум якунларига кўра имзоланган шартномалар ва савдо келишувларининг умумий қиймати 43 млрд. доллардан ошди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилги натижадан қарий 25 фоизга кўп. Бу мамлакатимизнинг хомашё қарамлигидан бутунлай қутулиб, юқори технологияли, “яшил” ҳамда рақамлашган қудратли иқтисодий хабга айланишини кафолатловчи аниқ молиявий ва технологик пойдевордир.

Нуктаи назар



Таъкидлаш жоизки, инвестициялар оқимининг энг катта улуши — наҳд 15 млрд. доллари энергетика тизimini тубдан ислоҳ қилишга йўналтирилиши куёш ва шамол электр станциялари қурилишининг тизимли давом этишини билдирди. Мақсад — 2030 йилгача “яшин” энергия улушини 54 фоизга етказиш. Ўзбекистон истиқболли экологик ёнилги, яъни “яшил” водород ишлаб чиқариш бўйича глобал пешқадамлар қаторига қиради. Муҳим ҳамда нодир минераллар бўйича имзоланган қарийб 8,5 млрд. долларлик шартномалар мамлакатимизнинг технологик мустақиллигини таъминлашдаги энг муҳим қадамдир. Литий, вольфрам, мис ва молибден каби энг харидорғир ҳамда стратегик металллар қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича йирик лойиҳалар бошланади. Маболағлар фақат руда қазиб олишга эмас, балки Тошкент ҳамда Самарқанд вилоятларидаги “Келажақ металлари” технопаркларида уларни қайта ишлаб, электромобиллар ҳамда юқори технологиялар учун тайёр деталлар, микросхемалар ва қотишмалар ишлаб чиқаришга сарфланади.

Транспорт занжирининг марказий чорраҳаси

Ўзбекистоннинг денгиз портларига чиқиш имкониятини енгиллаштириш ҳамда транзит салоҳиятини ошириш учун 6 млрд. долларлик келишувлар имзолангани ҳам диққатга сазовор, албатта. Бу лойиҳалар юртимизни Хитойдан Европага ва Жанубий Осиёга борувчи транспорт занжирининг марказий чорраҳасига айлантиради. Шунингдек, Саудия Арабистони билан ҳамкорликда йилгача 20 млн. йўловчига хизмат кўрсатадиган замонавий ҳаво бандаргоҳи барпо этилади. Халқаро инвесторлар иштирокида шаҳарлараро транспорт қатновларини бир неча баробар тезлаштирувчи замонавий автомагистраллар қурилади. Машинасозлик, фармацевтика ва тўқимачилик соҳаларида 5 млрд. долларлик келишувлар ички бозорни сифатли маҳсулот билан тўлдирдиш ва экспортни оширишга хизмат қилади. Тошкентда машҳур “Volkswagen” моделларини йирик узелли йиғиш ва келгусида маҳаллилаштириш лойиҳаси бошланади. Юқори софлиқдаги маиший ювиш воситалари, ҳаётий муҳим дори-дармонлар ҳамда кимёвий субстанциялар ишлаб чиқарувчи замонавий заводлар тармоғи қурилади.

Мазкур 43 млрд. доллардан зиёд инвестициялар пакетининг мақсади инсон қадрини улуғлаш ҳамда ҳалқимиз фаровонлигини таъминлашдан иборат. Янги лойиҳалар яқин йилларда мамлакатимизда 150 мингдан ортиқ юқори маошли, замонавий иш ўринларини яратади. Бу — минглаб ватандошларимиз хорижда сарсон бўлмай, юртимизда, оиласи бағрида туриб, муносиб даромад топиш имконияти, дегани.

“ТХИФ — 2026” якунлари Ўзбекистоннинг танлаган йўли тўғри эканини, мамлакат суверенитети, иқтисодий қудрати ҳамда Учинчи Ренессанс пойдевори кундан-кунга мустақамланиб бораётганини бутун жаҳонга яққол намоиш этди. Инвестициялар оқими мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг жорий йил якуни бўйича 180 млрд. долларлик тарихий маррадан ошишига асос бўлди. Юртимизнинг халқаро кредит рейтингларида янада юқорилашига хизмат қилади.

Германия (“Volkswagen”), Саудия Арабистони (“ACWA Power”), БАА (“Masdar”) ва Хитой компаниялари билан тузилган шартномалар орқали Ўзбекистонга энг илғор технологиялар кириб келади. Масалан, автомобилсозликда йирик узелли йиғишдан тўлиқ циклга ўтиш тезлашади.

Келишувларни ҳаётга жорий қилиш зарурати

Ўзбекистон рекорд даражадаги капиталдан ташқари дунёнинг энг ишончли, ҳуқуқий химояланган ва технологик жиҳатдан илғор мамлакатларидан бири, деган халқаро

этирофни айнан форумда олгани, айниқса, қувонарли. Эндиги асосий вазифа — ушбу келишувларни реал ишга туширувчи активларга айлантириш.

Ўрни келганда яна бир мулоҳаза. Дунёдаги ҳар қандай йирик иқтисодий анжуман, халқаро форум ёки имзоланадиган миллиардлаб долларлик шартномаларнинг асл қиймати фақатгина битта мезон билан ўлчанади. У ҳам бўлса, оддий инсоннинг ҳаёти қандай ўзгарди, унинг рўзғорига қанчалик барака кирди, фарзандларининг келажаги қай даражада кафолатланди?

Шу маънода, Тошкент халқаро инвестиция форумида имзоланган келишувлар шунчаки қуруқ статистика ёки қоғоздаги рақамлардан иборатмас. Улар бугун Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоқларидан тортиб, марказий шаҳарларигача кириб бораётган, халқимизнинг фаровон ҳаётида ўз аксини топаётган реал қучдир. Инвестиция — бу янги корхоналар, замонавий заводлар ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари, дегани. Тошкентда “Volkswagen” автомобилларини йиғиш заводи, Андижонда энг замонавий логистика маркази, Навоий ҳамда Олмалиқда йирик металлургия мажмуалари барпо этилмоқда. Бу ерларда ўзбек йигит-қизлари энг илғор технологияларни бошқармоқда, хориждагидан кам бўлмаган, муносиб иш ҳақи олишяпти. Бу рўзгорнинг бутлиги, оилаларнинг хотиржамлигида ғоятда муҳим.

Форум доирасида уй-жой қурилиши ва урбанизация лойиҳаларига жуда катта эътибор қаратилди. 2040 йилгача уй-жойлар сонини 2 баробар ошириш ва “Янги Тошкент” каби мегаполисларни қуриш мақсад қилинган. Бу йўналишдаги лойиҳалар йилгача 10 млрд. долларлик қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш бозорини яратмоқда. Бу билан минглаб қурувчилар, муҳандислар, усталар ва ишлаб чиқарувчилар доимий иш билан таъминланади.

Инвесторлар ҳуқуқлари халқаро механизмлар орқали таъминланади

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида инвесторларга қандай кафолатлар берилишига алоҳида тўхталди. Жумладан, улар ҳуқуқларини эътироф этилган халқаро механизмлар орқали таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканигини таъкидлади. Бу борада Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш бўйича ишлар бошланди. Марказнинг ҳуқуқий асослари Конституциявий қонун билан мустақамланади. Ушбу марказ иштирокчилари учун жозибадор солиқ тизими яратилади. Фойда, қўшилган қиймат ҳамда мол-мулк солиқлари ва божхона божлари “ноль” фоиз этиб белгиланади. Бундан ташқари, капиталнинг эркин ҳаракати, ҳисоб-китоби исталган валютада амалга ошириш имконияти сўзсиз кафолатланади. Молия-

вий технологиялар, рақамли активлар, “яшил” молия учун замонавий тизим яратилади. Марказ ҳудудида норматив ҳужжатларни қабул қилиш ваколатига эга мустақил молиявий регулятор ҳам ташкил этилади. Дастлабки босқичда бу каби имтиёзларнинг амал қилиш муддати 50 йил этиб белгиланади.

Тахлилларга кўра, Ўзбекистон учун ушбу нуфузли форум хорижий капитални жалб этиш ҳамда жаҳон бозорлари билан алоқаларни мустақамлашда муҳим майдонга айланиб улғурди. Уч кунлик дастур доирасида ялпи маҳсулот, тармоқлар бўйича тақдиротлар, икки томонлама музокара, нетворкинг (танишув ва алоқалар ўрнатиш) тадбирлари ҳамда келишувларни имзолаш маросимлари ўтказилди.

Форум билан параллел равишда намоийш қилинган кўргазма мамлакатимизнинг турли соҳалардаги иқтисодий салоҳиятини намоиш этди. Унда нефть-кимё, савдо, машинасозлик, электроника, қурилиш материаллари, металлургия, фармацевтика, озик-овқат саноати ҳамда бошқа устувор тармоқлар қамраб олинди. Бундан мақсад инвесторларга мамлакатнинг турли ҳудудларидаги муйайин лойиҳалар ва имкониятлар ҳақида аниқ тасаввур бериш эди.

Президентимиз раислигида ўтган Хорижий инвесторлар кенгашининг ялпи мажлисида ҳам асосий эътибор инвестиция муҳитини яхшилаш, саноат ҳамда технологик ривожланишни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий тадбиркорлар ҳамда чет эллик инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилгани билан ажралиб турди.

Аёнки, форумнинг муваффақияти эришилган келишувларнинг нечоғли самарали ишқор этилиши билан ўлчанади. Шу боис давлатимиз раҳбари мутасаддиларга лойиҳаларни амалга оширишнинг аниқ механизмларини тайёрлаш ва битимлар ижросини назорат қилувчи тизим яратишни топширди. Агар келишувлар реал лойиҳаларга, иш ўринлари ва инфратузилмага айланса, бу тадбир Ўзбекистоннинг инвестиция учун жозибадор мамлакат сифатидаги нуфузини янада мустақамлайди.

Тошкент халқаро инвестиция форумида давлат арбоблари, йирик инвесторлар, халқаро молия институтилари ҳамда бизнес доиралар вакиллари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва истиқболларига юқори баҳо бергани эса мамлакатимиз томонидан танланган тараққиёт йўлининг тўғри ҳамда нечоғли самарали эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Шерзод СИНДОРОВ,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг инфратузилмани ривожлантириш ва иқтисод ишлари бўйича проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ЙЎЛ АЗОБИНИ ТОРТАЁТГАН МУАЛЛИМЛАР

ёки Қашқадарё вилояти Педагогик маҳорат маркази биноси таъмирлаш учун бир йилдан буён ёпиб қўйилгани ҳақида

Гапнинг пўсткаллеси, бир қовун пишиги ўтди ҳамки, марказ биносини таъмирлаш ишлари бошлангани йўқ. Муаллимлар эса Қаршидан Шахрисабзга қарийб 100 километрдан зиёд йўл босиб, малака оширишга мажбур. Нима қилибди, илм олиш учун заҳмат чекиш керак, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиш зарур дейсизми? Фикрингизда жон бор. Хадиси шарифларда ҳам “илмини Чин (Хитой)да бўлса ҳам ўрганинлар”, дея зикр этилган. Киши ўзга юрт, ўзга маконларга бориб бўлса-да, билим олишга, илмий салоҳиятини янада оширишга ҳаракат қилиши, бу йўлда ҳеч қандай қийинчиликлардан чекинмаслиги зарур.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Аммо илм йўлидаги машаққатлар ҳафсаласизлик тугайли юзага келган, муаммонини ҳал қилиш имкони бору бунга ҳеч бир масъул бош қотирмаётган бўлса-чи? Марказни Қарши шаҳридан Шахрисабзга қўчиришда ҳам ўқитувчилар учун юзага келадиган ноқулайликлар эътиборга олинмагандек, назаримизда. Шунча йўл босиб, малака ошираётган муаллимларга қараб “Жоннингизга тўзим берсин” дейишдан бошқа чора йўқ. Қашқадарё вилоятидаги умумий ўрта таълим мактабларида фаолият олиб бораётган минглаб ўқитувчилар қўнғилдан ўтаётган изтироблар бу! Гап шундаки, Президентимизнинг 2024 йил 21 июндаги “Мақтабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари негизига Педагогик маҳорат марказлари ташкил этилди. Шунингдек, республика бўйича 11 та педагогика коллежи бино ва иншоот-

лари тегишли мол-мулки билан бирга ҳудудлардаги Педагогик маҳорат марказлари тасарруфига ўтказилди. Жумладан, Шахрисабз педагогика коллежи бино ва иншоотлари Қашқадарё вилояти Педагогик маҳорат маркази бўлиб қолди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2024 йил 30 сентябрь кўни таълим-тарбия соҳаси вакиллари билан ўтказган мулоқотида берилган топшириққа асосан, ҳудудлардаги Педагогик маҳорат марказлари Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти андозаси асосида таъмирланиши ва жиҳозланиши белгиланган. Шунга кўра, 2025 йилнинг июнь ойидан Қашқадарё вилояти Педагогик маҳорат марказининг Қарши шаҳрида жойлашган асосий биноси “таъмирланади”, дея ёпилиди ва марказ фаолияти Шахрисабз шаҳридаги ўзига янги берилган қўшимча бинога қўчирилди. Бу эса вилоятдаги минглаб ўқитувчилар учун узоқ ва машаққатли йўл муаммосини юзага келтирди. Чунки Қарши шаҳри нафақат расмий жиҳатдан, балки географик жойлашуви ва мавжуд инфратузилма бораси-

да ҳам вилоятнинг ҳақиқий маркази ҳисобланади. Бу ерда транспорт, меҳмонхона, ижарага квартира топиш ёки шу каби бошқа масалаларда муаммага даярли дуч келмайсиз. Барча ҳудудлардан вилоят марказига доимий транспорт қатнови мавжуд. Боз устига шаҳарда кўпчиликнинг фарзанди, ака-укаси ёки бошқа яқин қариндошларидан кимдир истиқомат қилади. Шу боис ҳам авваллари чекка ҳудудлардаги ўқитувчилар учун бир ой муддатга Қарши шаҳрига келиб, малака ошириш курсларида иштирок этиш унчалик ҳам муаммо тўғдирмаган. Шахрисабз шаҳри эса вилоятнинг

неча юзлаб қақирим йўл босиб, Шахрисабзга қатнаши осон эмас. — Миришкор туманиданман, — дейди бизга шу ҳақда мурожаат қилган ўқитувчилардан бири. — Малака ошириш учун бир ой йўл азобини чекдим. Тасаввур этинг, эрталаб соат 4 да туриб, аввал туман марказига, у ердан эса Қарши шаҳрига келаман. Миришкордан Қаршига қатнайдиган таксилар кўп, лекин тўғридан-тўғри Шахрисабзга борадиган машина йўқ. Шу боис Қаршига келгач, бу ердан яна Шахрисабзга борадиган машина қидирамиз. Баъзан соатлаб такси қутишга тўғри

“Халқимизда “Сув қўрмай, этик ечма” ёки “Янги уй қўрмай туриб, эскисини бузма” каби нақллар бор. Қаршидаги бинонинг “таъмирланади” дея ёпиладиган бери бир ўқув йили ортда қолди ҳамки, ҳали у ерда кўзга ташланадиган иш бошлангани йўқ. Орада эса минглаб ўқитувчиларнинг бир йил йўл азобини тортгани қолди. Янги ўқув йилида ҳам бу машаққат давом этиши аниқ. Чунки...”

шарқий томондан энг чекка ҳудудида, Қарши шаҳридан қарийб 110 километр узоқликда жойлашган. Энди тасаввур қилинг, вилоятнинг фарбий, шимолий ва жанубий ҳудудлари — Миришкор, Қарши, Нишон, Қасби, Косон, Муборак, Деҳқонобод туманларидан малака ошириш курсларига юборилган ўқитувчилар ҳар куни 200 — 250 километргача йўл босиб, Шахрисабзга қатнаши керак...

Тўғри, кимдир ижарага уй топиб, бир ой Шахрисабзга яшаб, ўқиши мумкин-дир. Лекин оилали, ёш болали аёл ўқитувчилар бор. Улар ҳар куни бир

келада. Хуллас, 4-5 соат йўл юриб, уч-тўртта машина алмаштириб, 120 — 150 минг сўм атрофида пул сарфлаб, боз устига дарсга кечикиб бораман. Қайтишда эса тагин шу муаммо ва яна шунча харажат. Ҳатто тушлик қилол-майман, лекин фақат йўлнинг ўзига бир кунда 200 — 250 минг сўм сарфладим. Бориш-келишни ҳисобга олганда, ҳар куни 7-8 соат умрим машинада ўтди. Кечга уйга кириб борганимга қадар ярим тун бўлади, тонг ёришмай яна йўлга чиқаман. Тўғри, бу қийинчиликлар бери ой ўтиб ортда қолди, лекин

наҳотки Қарши шаҳрида биз, муаллимлар учун малака оширадиган битта бино топилмаса?!

Қашқадарё вилояти Педагогик маҳорат маркази директорининг академик фаолият бўйича ўринбосари Зурёб Ҳамроев берган маълумотга кўра, марказда ҳар ойда вилоятнинг турли ҳудудларидан келган 1200 га яқин раҳбар ва педагог ходимлар малака оширади. — Тўғри, марказимиз учун Қаршидан ижарага бино олиш ҳам мумкин, — дейди у. — Лекин Шахрисабздаги бино ўзимизнинг балансимизда. Ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Ихтиёримизда шундай бино бўла туриб, яна йилгача бир неча миллиардлаб пул сарфлаб ижарага бино олиш қанчалик тўғри бўлади? Бизга маҳаллий бюджетдан ижара учун шунча пул ажратиладими?! Масаланинг шу томонлари ҳам бор-да...

Масъулниинг фикрлари ҳам ўринсиз эмас. Аммо маҳаллий бюджетга тушмаётган ўша харажат олис Шахрисабзга қатнаб малака ошираётган минглаб ўқитувчиларнинг чўнтагидан кетмоқда. Бу ҳақда ўйлаб қўрилса, яқин бўларди. Яна бир гап. Халқимизда “Сув қўрмай, этик ечма” ёки “Янги уй қўрмай туриб, эскисини бузма” каби нақллар бор. Қаршидаги бинонинг “таъмирланади” дея ёпиладиган бери бир ўқув йили ортда қолди ҳамки, ҳали у ерда кўзга ташланадиган иш бошлангани йўқ. Орада эса минглаб ўқитувчиларнинг бир йил йўл азобини тортгани қолди. Янги ўқув йилида ҳам бу машаққат давом этиши аниқ. Чунки... — Жорий йилнинг 2 март куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг қарори билан Қашқадарё ви-

лояти Педагогик маҳорат марказини таъмирлаш ишлари учун дастлабки 3 млрд. сўм маблағ ажратилди, — дейди Қашқадарё вилояти “Ягона буюрт-мачи хизмати” инжиниринг компанияси директорининг ўринбосари Дилшод Абдуллаев. — Айни пайтга қадар “SpektR loyiha” МҲЖ томонидан бинонинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, 11 млрд. 830 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича давлат экспертиза хулосаси олинган. Шу кеча-кундузда лойиҳа комплекс экспертизига юборилган. У ердagi мутасаддилар лойиҳани қачон маъқулаб, рұхсат берса, шундан сўнг пудратчи ташкилот аниқланиб, ишлар бошланади. Бу жараён яна қанча давом этиши бизга ҳам, масъуларнинг ўзига ҳам қоронғи. Чунки лойиҳа тасдиқланиб, пудратчи ташкилот аниқланганидан сўнг ҳам яна маҳаллий бюджетдан пул ажратилиши, қурилиш ишларининг чўзилши билан боғлиқ масалалар турибди. Бунгача эса муаллимлар йўл азобини тортишда давом этаверишади. Токи қайсидир маъсул илм ҳудудлардан Шахрисабзга қатнаётган муаллимларга раҳми келиб, марказ учун Қарши шаҳридан бирор бино топиб бермаса... Аммо бир йилдан буён таъмирлаш ишлари бошланмаган марказ бино ва иншоотларининг ҳали-бери очилишига ҳеч кимнинг қўзи етмайди. * * *

Мақола нашрга тайёрланаётган пайтда Қашқадарё вилояти Педагогик маҳорат марказининг Қарши шаҳридаги биносига таъмирлаш ишларига киришилди. Бироқ белгиланган маблағ тўлиқ ажратилиб, ишга жиддий киришилмас экан, марказнинг яқин орада фаолият бошлашига қафолат бериб бўлмайди. Акс ҳолда муаллимлар йўл азобини тортишда давом этаверади.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йил 1 апрель ҳолатига Ўзбекистонда жисмоний шахслар номида рўйхатдан ўтган автотранспорт воситалари сони 4 млн. 903,1 мингтани ташкил этди.

Муборак сарчашмалар

ЯПОН ҚИЗИНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН САНЪАТ

Бундан роппа-роса 23 йил муқаддам япон қизи Эми Имахоре Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институтида тадқиқот ишлари олиб бориш учун юртимизга келади. Ўзбек миллий маданияти, этнографиясини ўрганишга астойдил киришган Эми олис Шофирконнинг Ҳовлипоён қишлоғига бордию халқ амалий санъати устаси Зухра Облобердиевага ипсиз боғланиб қолди. Унинг хонадонида икки йил истиқомат қилиб, ўзбек тилини, миллий урф-одатларни, пиллачилик ва бўз тўқиш, хусусан, каштачилик сирларини атрофлича ўрганди.

— Шундан буён Эми ўз қизимдек бўлиб қолган, — дейди ўша кунларни эсларкан Зухра опа. — Ҳамкор-лигимиз хали-ҳануз давом этмокда. Эътиборлиси, Шофирконнинг қўл меҳнатига асосланган каштачилик мактабини мукаммал ўрганиб, тадқиқ қилган оддий япон қизи профессор даражасига еттиди.

Яқинда Токая университети профессори Эми Имахоре Ўзбекистонга, қадрдон хонадонга келиб, Зухра опага “Каштачилик аёллар дунёсини қандай ўзгартиради?” деб номланган китобни тақдим этди. Унда нафақат Шофиркон, балки Нурота, Бойсун, Шахрисабз каштачилик мактабларининг темирйиллар давридан бошлаб то ҳозирга қадар ривожланиш тарихи, ўзига хос жиҳатлари, бу хунарни хотин-қизлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинган.

— Зухра опа ва унинг шогирдлари қўлида жило топан сўзаналар мўъжизанинг ўзгинаси, — дейди Эми Имахоре. — Улардаги нақшларда, рангларда юртин-гизнинг бетакорр табиати, ўзбек аёлининг қалб кечинмалари, орзу-умидларини кўрасиз. Сўзаналар нафақат мени, балки ватандошларимни ҳам ҳайратга солмокда. 2024 йилда Токиода Зухра опанинг шахсий кўргазмасини ўтказганимизда бунга яна бир қарра шохид бўлганман. Мен кишидан ўта синчковлик, кунт, юксак дид, қўз нури ва қалб кўрини талаб этадиган бу санъатни Японияда тарғиб қилишдан мамнунман.



Шу ўринда, илдизи олис ўтмишга бориб тақалладиган Шофиркон каштачилик мактаби ва унга қайта ҳаёт бағишлаган З. Облобердиева фаолияти хусусида қисқача тўхталас. Институти тамомлаб, фаолиятини оддий қишлоқ ўқитувчиси сифатида бошлаган, болалигидаёқ буюиси Зубайдаҳон, онаси Зулайхо аядан каштачилик сирларини ўрганган қаҳрамонимиз, ўз таъбири билан айтганда, миллий нақшлар ичида яшаб кам бўлмади. Вилоят ҳокимлиги ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ўша пайтдаги доимий вакили Халид Малик ва бошқа соҳа фидойиларининг қўллаб-қувватлаши билан Шофирконда каштачилик мактабига асос солди. Республикаимизнинг турли гўшаларидан келган ўнлаб ёшларга хунарни ўргатди. Мухими, бир жойда тўхтаб қолмади. Ҳиндистонда бўлиб, табиий бўёқлар тайёрлаш сир-асорини ўзлаштирди. Индонезия, Туркия, Италия, Япония каби давлатларда ташкил этилган нуфузли халқаро кўргазмаларда қатнашди.

— Она юртимизнинг садағаси кетсанг арзийди, — дейди Зухра опа. — Қай бир мамлакатга бормай “Менинг Ватаним Ўзбекистон”, деган чоғимда одамларнинг чехраси ёришади. Ниятим халқимизнинг бой меросини дунёга таништиш эди. Мақсадимга етдим. Қўл меҳнатига асосланган китобни ҳам чоп этилди. У халқ амалий санъати йўналишида сабоқ олаётган талабалар, шу хунарга ихлос қўйган ёшлар учун қўлланма вазифасини ўтапти.

Дарвоқе, ҳар икки йилда Токая университетининг бир гуруҳ талабалари “Дўстлик” ордени соҳиби Зухра Облобердиева хонадонига бўлиб, каштачилик сир-асорларини ўрганмокда. Кунчиқар юрт ёшлариданги ибрат олса арзигулик қизиқиш, интилиш ва масъулиятни кўриб, хонадон бекаси ўзини кўярга жой тополмай қолади.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).



Ўзги таътил

Ёз фаслида болажонлар мароқли дам олиш, соғломлаштириш, спорт ва турли кўнгилочар машғулотларда иштирок этиб, ўз иқтидорини намойиш қилиш имкониятига эга бўлади. Андижон туманидаги “Боғишамол” болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилмокда.

Оромгоҳда замонавий ётоқхона, ошхона, кутубхона, бассейн, спорт майдончалари мавжуд. Бир бир дам олиш мавсуми 12 та алоҳида йўналишга бағишланган кўнлар асосида ташкил этилади. Хусусан, “Ватанпарварлик куни” доирасида ҳарбий қисмлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари оромгоҳга келиб, ўз фаолияти ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказишади. Шунингдек, болажонлар ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги беллашувларда иштирок этади. “Спорт куни”да эса ўнлаб турлар бўйича мусобақалар ташкил қилиниб, ғолиблар тақдирлаб борилади.

— Бундан ташқари, ўғил-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли

СОҒИНЧДАН ЯРАЛГАН ИЖОД

Қаршимизда турган кема макети Бекбергенов Алласугуров ясаётган йигирма бешинчи хунарманчилик маҳсули. Бир қарашда оддий, аммо ҳар бир кема макети ортида Орол ҳақидаги бутун бир халқ хотираси, бир пайтлар шовуллаб турган ва кейинчалик йўқотилган денгиз қисмати мужассамдай...

Орамиздаги одамлар

Бекбергенов оға билан суҳбатлашар экансиз, унинг кемаларга меҳри тасодиф эмаслигини аңғалайсиз. У шу юрт фарзанди, Нукус шаҳрида истиқомат қилади. Болалиги ва ёшлиги Орол ҳақидаги ҳикоялар, балиқчилар, Мўйноқ порти ҳақидаги хотиралар билан ўтган.

Энди Орол денгизининг катта қисми йўқ. Бир пайтлар дунёдаги туртинчи йирик ички сув ҳавзаси саналган Орол XX асрнинг иккинчи ярмида қисқара бошлади ва деярли қуриб битди. Натижада миллионлаб гектар сув майдони йўқолди, балиқчилик хўжаликлари инкирозга учради, кемалар соҳилдан ўнлаб чакрим узокда қум бағрида қолиб кетди.

...Мўйноқдаги кемалар қабристонини кўриш учун дунёнинг турли мамлакатларидан сайёҳлар келади. Қўмлар бағрида занг босган кемалар инсоният тарихидаги йирик экологик фожиа рамзига айланган.

— Мен ҳар гал янги кема макетини ясаганимда, Оролда сузиб юрган кемаларни эслайман. Балки шунинг учундир бу хунари ҳаётим мазмунига айлангандай, — дейди Бекбергенов оға.

Ҳа, унинг жажжи кемалари ҳам маълум маънода ана шу хотираларни сақлаб қолишга хизмат қилмокда. Бугун уста навбатдаги кема макети устида ишламокда. Бироқ унинг айтишича, бу эҳтимол охиригиси ҳам бўлиши мумкин. Сабаби оддий: уй шароитида бундай нозик хунари билан шуғулланиш тобора қийинлашмокда. Ёзининг жазирама кунларида хона ичида ишлаш муш-



кул. Кечаси ишласа, қўшниларга хулафат беришдан ййманади. Шу боис Бекбергенов ака ҳовлисига кичик устахона қуришни орзу қилади. Унинг айтишича, бу бўйича турли ташкилотларга мурожаат этган. Маслаҳатлар берилган, аммо ҳозирча амалий ёрдам масаласи очик қолмокда.

— Агар алоҳида устахона бўлса, ёшларни шогирдликка олардик, хунари сирларини ўргатардик, кўргазмалар ташкил қилардик. Чунки бугун кема макетчилиги билан шуғулланаётганлар жуда кам, — дейди у.

Ваҳоланки, бу ташаббус нафақат битта хунарманд фаолиятини қўллаб-қувватлаш, балки миллий хунарманчиликни ривожлантириш, ёшларни касбга йўналтириш ва Орол тарихи билан боғлиқ ма-

даний хотирани сақлашга ҳам ҳисса қўшган бўлар эди.

— Кема макетини ясаб сабр талаб қилади, — дейди уста сўзини давом эттириб. — Аввал уни тасаввуримда бойитаман, кейин қозоғга тушираман. Сўнг

ат намунаси сифатида баҳолаш мумкин.

Эътиборлиси, бугунги кунда устага маҳаллий ва хорижий сайёҳлардан буюртмалар тушмокда. Айниқса, автотранспорт ва самолётда олиб кетишга қулай бўлган, Орол денгизига сўзган кемаларни эслатувчи кичик ҳажмдаги макетларга талаб юқори. У эса қўлидан келганича Орол ҳақидаги хотираларни кема макетлари орқали жонлантиришга ҳаракат қилмокда. Зеро, инсоннинг ҳақиқий бойлиги унинг меҳнатидадир.

Бекбергенов Алласугуров 1987 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги кадрлар бўлимида ишлади, кейинчалик Нукус шаҳар ички ишлар бўлимида хизмат қилди. Қўл жанги ва оғир атлетика бўйича мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган. Аммо ҳаёт ҳар доим ҳам инсон измига бўйсунмас экан. Саломатлигида юзага келган муаммолар туфайли 1994 йилда нафақага чиқишга мажбур бўлди, II гуруҳ ногирони.

Шундай бўлса-да, у шукроналик туйғусини ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирган инсонлар сирасидан. Меҳнат орқали дардини енгиш мумкинлигини ўз ҳаёти билан исботлаб, атрофдагиларга ҳам ибрат бўлиб келмокда. Ҳозирда у бир бўйрак билан ҳаёт кечирishiга қарамай, сеvimли хунари билан мунтазам шуғулланмокда. Унинг энг катта орзуси эса — ўз хунарини янада ривожлантириш, кенг тарғиб қилиш ва келажақ авлод учун муносиб шогирдлар тайёрлаб қолдириш.

...Қўмлар бағрида қолган ҳақиқий кемалар денгизда қайта сузмаслиги мумкин. Аммо Бекбергенов аканинг устахонасида яратилаётган макетлар Орол хотирасини келажақ авлодларга етказишда давом этаверади.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

нига қараб ҳисоб-китоб қилади. Янги йўлда транспортларнинг тўсиқларсиз ҳаракатланиши туфайли манзилга етиб бориш вақти 3 баробар қисқаради, яъни Урганчдан Хивага ҳозир мавжуд йўлда тирбандлик ва чорраҳаларда тўхташ туфайли 1 соатда етиб борилади, янги йўлда бунинг учун атиги 17 дақиқа вақт сарфланади.

Ҳозирги кунда йўл қурилишига республикамизнинг турли вилоятларидан ва Туркиядан юқори малакали мутахассислар жалб қилинган. Бу йўл нафақат аҳоли ва сайёҳларга қулайлик яратади, балки худуднинг инвестициявий жозибадорлигини ҳам оширади, Хоразм вилоятини мамлакатнинг муҳим транспорт ва туризм марказларидан бирига айлантиришга хизмат қилади.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).



Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Инновация

ЁШ ИХТИРОЧИ ЯНГИ ТРАКТОР ЯРАТДИ

Бахмал туманида истикомат қилувчи Содикжон Абдужабборов занжирли кичик трактор яратди. Ушбу ихтиро пилёз экиш жараёнини механизациялаштиришга қаратилгани билан эътиборга молик. Чунки бундай ишлар, асосан, қўл меҳнати орқали бажарилади ва қўл вақт талаб этади. Янги трактор эса экиш ишларини тезлаштириб, томчилятиб сугориш шлангларини ҳам ерга ўрнатиб кетади.



— Мақсадим қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни кенг жорий этиш, деҳқон ва фермерлар меҳнатини енгиллаштириш, иш унумдорлигини ошириш, — дейди С. Абдужабборов. — Ҳозир пропан газида ҳаракатланувчи тракторимни электр энергиясидан юришга мослаштириш бўйича изланишданман.

Ёш ихтирочининг таъкидлашича, ўзи ясаган трактор билан жорий йилнинг ўзида 100 гектар ерга пилёз уруғларини қадаган. Келгусида кабинасиз, масофадан бошқариладиган, куёш панеллари билан уйғунлаштирилган, сунъий интеллект асосида ҳаракатланувчи трактор яратиш лойиҳаси устида ҳам изланиш олиб бормоқда. GPS, сенсор ва камералар билан жиҳозланган мазкур техника оператор ишториксиз йилнинг хоҳлаган фаслида белгиланган вазифаларни бажариши мумкин бўлади.

Бахмаллик ёш ихтирочининг ташаббуси нафақат қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга, балки юртимизда инновацион ғоя ва технологияларни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўиши билан аҳамиятлидир.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон йўлсозлигидаги мегалойиҳа



Хоразм вилоятида барпо қилинаётган Ўзбекистондаги ilk пуллик автомобиль йўли — Урганч ва Хива шаҳарларини боғловчи автомагистраль қурилиши жадал суръатда давом этмокда.

Бунёдкорлик

Халқаро стандартлар асосида қурилаётган 4 тасмали йўлнинг узунлиги 35 км. бўлиб, унинг таркибида қўллаб мураккаб муҳандислик иншоотлари мавжуд. Жумладан, 15 та кўприк, 8 та йўлўтказгич, 5 та пидеалар ер ости ўтиш жойи ҳамда 115 та сув иншоотини қуриш режалаштирилган. Йўлнинг

ўтказувчанлик қобилияти суткасига 20 мингдан ортиқ автотранспорт воситаларини ташкил қилади. Айни кунгача лойиҳадаги қурилиш ишларининг тенг ярми бажарилди.

— Ушбу йўл қурилишида Туркиядан қўлланиладиган замонавий ечимлардан кенг фойдаланяпмиз, — дейди халқаро экспертлар гуруҳи раҳбари Меҳмет Али Алкан. — Лойиҳада рақамли бошқарув тизимлари кенг қўлланилади. Жумладан, транспортлар оқими сунъий интеллект ёрдамида бошқариш режалаштирилган. Бу қурилмалар юз машиналари, автобуслар, микроавтобуслар, енгил автомобилларни алоҳида аниқлайди, вазни ва со-

23 июнь куни соат 22:00 да Ўзбекистон миллий терма жамоаси Португалия футболчиларига қарши майдонга тушиши муносабати билан йўловчиларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида Тошкент метрополитени шу куни тунги соат 01:00 гача хизмат кўрсатади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғош бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган қўёғмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахриратта компьютер терминали ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.

Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6